



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 94 (12.655)

Баҳоси эркин нарҳда

ФРЕДЕРИК СТАРР:

«ЎЗБЕК ХАЛҚИ БОЙ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТГА ЭГА»

15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти» мавзусига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Шу муносабат билан Ж.Хопкинс университети (АҚШ) ҳузуридаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раиси, профессор Фредерик СтARR «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида ўзининг куйидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.



— Бугун Ўзбекистоннинг шонли тарихи жонланмоқда. Айниқса, VIII асрдан XIV асргача бўлган давр алоҳида эътиборга лойиқдир. Чунки ушбу давр мобайнида замонавий Марказий Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон ҳудуди ал-Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, ал-Ҳўжандий, ал-Фарғоний сингари машҳур тарихий алломалар фаолияти туфайли, ҳеч бир мулоҳазасиз, бутун Евроосиё континентал ҳудуди тамаддунининг маркази бўлган.

Илимий аҳамияти бўйича ушбу минтақа Ҳиндистон, Хитой, Европа ёки Яқин Шарқдан қолшмайди. Ушбу заминда истиқомат қилган қомусий олимлар амалда жаҳон тафаккурининг даҳолари бўлганлар. Уларнинг илмий ишлари ўтмиш ва замонавийлик ўртасидаги илмий ютуқларни боғлади.

Бу зотларнинг ақл-заковати туфайли уйғониш араб дунёсида эмас, балки айнан Марказий Осиёда, Ўзбекистон ҳудудида юз берган. Шундай шахсларнинг орасида энг улуғларидан бири Қиёт шаҳрида дунёга келган Абу Райхон Берунийдир. У ўз тадқиқотлари орқали ҳали 1025 йилда — Шимолий ва Жанубий Американинг очилишидан анча олдин ушбу минтақаларнинг мавжудлигини фараз қилган эди.

Ана шундай олимлар, тадқиқотчи, диншунос ва файласуфларнинг улкан ютуқлари туфайли бутун дунё алаҳиқбатда Марказий Осиёнинг, хусусан, Ўзбекистоннинг жаҳон ци-

визациясини тараққиётдаги ўрни ва аҳамиятини англаб етди.

Ўзбекистонда аjoyиб олимлар, мен чуқур ҳурмат қиладиган инсонлар яшайди, улар орасида, энг аввало, Ўзбекистон раҳбарига нисбатан алоҳида эҳтиромим бор. Улар Ўзбекистон ва умуман, минтақа тарихидаги Олтин асрни илмий ўрганиш аънаъасини давом эттирмоқдалар.

Йигирма йилдан ортиқ мустақил тараққиёт даврида улар олиб борган фаолият туфайли совет даврида унутилган меросни ҳаётга қайтариш имконияти яратилди. Яқинлашиб келаётган конференция низоюда қизқарган бўлади, деб ўйлайман. Чунки инсонлар ўз ўтмишини, ушбу заминда яшаб ўтганлар амалга оширган буюк ишларни билишлари керак.

Ўзбекистон тарихини ва ўша даврнинг маданий ютуқларини тадқиқ этиш учун бой интеллектуал салоҳиятга эгадир. Бу нафақат маърифий ҳаётда, балки ўзбек халқи ҳамда бутун Марказий Осиё минтақаси аҳолиси миллий ўзлигини англашнинг чуқурлашувида улкан аҳамият касб этади. Ўз навбатида, янги минтақавий ўзига хослик учун асос бўлиши мумкин.

Самарқанд анжумани — илм-фан соҳаларида ижод қилган кўплаб истеъдодли мутафаккирлар улуг муваффақиятларининг тантаъасидир. У минтақанинг ўзига оханабоддай тортиб турадиган илмий марказга айланиши йўлидаги дастлабки қадам бўлади.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ



ОБОД ЮРТНИНГ ФАЙЗЛИ ДАСТУРХОНИ

Шу йил 5-6 июнь кунлари Тошкентда «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари» мавзусида халқаро конференция бўлади.

Дам олиш кунини Сурхондарёдан меҳмон бўлиб келган отам билан шаҳар айландик. Пойтахтимизнинг Мустақиллик майдони, Амир Темури хиббони, Чорсу майдонини бориб кўрдик. Отам янги-янги иншоотларнинг кўплигидан, шаҳарнинг гўзаллиги, тароватидан ҳайратланиб, «Тошкентимизга кўз тегмасин» дерди.

Савдо марказлари, дўконларга кирдик. Замонавий супермаркетлардаги маҳсулотларнинг хилма-хил ва чиройлилиги кўзни қувонтирди. Ўзимча отамни қувонтиргим, тансиқ неъматлар билан сийлагим келди. «Буни қаранг, ота, ўзимизнинг йогурт», дея чиройли қадокланган маҳсулотлардан бирини қўлимга олдим.

— Э, қизим, бу нарсалар қишлоғимизда ҳам сероб, — деди отам қулиб. — Ҳозир кўчамизнинг ўзидан нечта дўкон бор. Уларда йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Илгари ҳувиллаган магазинлар бўларди. Уларда оқ қанду парвардадан бўлак ширинлик топиламангидан дастурхонимиз ҳам шунга яраша эди...

Дарҳақиқат, бугун бозорларимизда озиқ-овқат маҳсулотларининг кўплигидан қай бирини танлашни билмай шошиб қоламиз.

Экспертларнинг фикрича, мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи 80 фоиздан кам даражада таъминланса, бу ушбу давлат барқарорлигига хавф туғдирар экан. Мамлакатимизда ички бозорни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдирish ва аҳолининг истеъмол молларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш — доимий эътиборда.

Энг муҳими, озиқ-овқат хавфсизлиги масалаларига ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг ус-

тувор йўналиши сифатида эътибор қаратилаётгани гўшт, сут, тухум, мева-сабзавот ва бошқа маҳсулотларни етиштириш ҳажмининг йил сайин ўсишида қўл келмоқда. Шу билан бирга, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноати тобора ривожланмоқда. Ҳозир қарийб 7 мингта корхонада озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 31 октябрда қабул қилинган «2012-2015 йилларда республика озиқ-овқат саноатини бошқаришнинг ташкил этишни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори маҳсулотни қайта ишлаш корхоналарини барпо этиш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилишда дастуруламал бўлмоқда.

Ушбу ҳужжатга асосан Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати ва Гўшт-сут саноати уюшмалари негизида Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси ташкил этилди. Ҳозир тармоқ корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажми ўсиб, кейинги уч йилда 200 дан зиёд янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Аҳолига етказиб берилаётган саноат маҳсулотларининг қарийб 20 фоизи, истеъмол товарларининг салкам 40 фоизи, ўсимлик ёғи, маргарин, майонез, шакар, хўжалик ва атир совуннинг 100 фоизи уюшма корхоналарида тайёрланмоқда.

Уюшма таркибидagi корхоналар ишлаб чиқараётган бир неча тур маҳсулотлар экспорт қилинмоқда.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қашқадарёда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида соғлом авлод тарбиясида маънавиятнинг ўрни мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

● Фарғонада «Энг намунали оила» кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Оила» илмий-амалий маркази вилоят бўлимлари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда шаҳар ва туман босқичларида голиб бўлган 21 оила иштирок этди.

● Навоийда «Юксак маънавият-ли авлод» шиори остида ўтказилаётган республика ёшлар фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Тадбир доирасида ташкил этилган ҳунармандчилик буюмлари кўргазмасида ёш зардўзлар, кандакор ва каштачилар томонидан яратилган маҳсулотлар намойиш этилди.

● Термиз шаҳрида болаларнинг ёзги дам олишини мароқли ва мазмунли ташкил этиш, соғломлаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Соғлом бола йилида Сурхондарё вилоятида 17 минг 225 нафар ўқувчининг барча қулайликларга эга оромгоҳларда мароқли ҳордиқ чиқаришини таъминлаш ва соғломлаштириш режалаштирилган.

ЖАҲОНДА

● Хитой жанубида юз берган сув тошқинлари оқибатида уч киши ҳаётдан кўз юмди, 1 миллион 22 минг нафар маҳаллий аҳоли вакили жабр кўрди. Табиий офат тинимсиз ёққан ёмғир туфайли келиб чиққан. Натижада Цзянси, Хунань, Гуандун, Гуйчжоу музофотлари ва Гуанси-Чжуан автоном районида 93,1 минг гектар экин майдони сув остида қолди. Қарийб 1,5 мингта турар жой биноси вайрон бўлди, яна 9,2 мингтасига зарар етди.

● Франциянинг «Publicis» ва АҚШнинг «Omnicom» реклама компанияларининг бирлашиши амалга ошмайдиган бўлди. Ўтган йилнинг ёзида мазкур муассасалар музокаралар олиб бориб, 25 миллиард АҚШ доллари эвазига бирлашишга келишиб олганди. Аммо орадан тўққиз ой ўтиб, шартнома борасида уларнинг фикри бир жойдан чиқмади.

● АҚШнинг «Apple» корпорацияси маҳаллий «Beats Electronics» компаниясини сотиб олиш юзасидан музокаралар олиб бормоқда. Харидор бунинг учун 3,2 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ тўлашга тайёрлигини билдирган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда комиссия аъзолари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон экологик ҳаракати ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига мувофиқ жорий йил декабр ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яшанбасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари умумхалқ сайловлари бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни ташкил этади ва ўтказди.

Мажлисда 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастури кўриб чиқилди.

Мажлис иштирокчиларининг фикрича, 2009 йилдаги сайловлардан кейин мамлакатимизда сайлов қонунчилигини янада либераллаштириш ва такомиллаштириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар бўлажак сайловларни энг демократик талабларга ва умумэтироф этилган халқаро стандартларга мувофиқ тарзда ўтказишнинг муҳим омилга айланган.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси қоидаларини татбиқ этиш бунга кўп жиҳатдан имкон берди.

Концепция доирасида сайлов қонунчилигига сайлов ҳуқуқи эркинлиги принципининг тўлиқ амалга оширилишига, мамлакатимиз сайлов тизимининг янада демократлашуви, депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини ўтказиш борасида тенг шарт-шароитлар яратиш самарадорлигини

оширишга, шунингдек, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловининг очиклиги ва шаффофлиги принципларини мустаҳкамлашга қаратилган қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Сайлов мобайнида мушффофлики таъминлашнинг ҳуқуқий механизмлари такомиллаштирилди.

Концепция қоидаларини ривожлантирган ҳолда, 2014 йилнинг апрель ойида давлатимиз раҳбари та-

шаббуси билан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги қонун ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари фаолиятини янада демократлаштириш, сиёсий партиялар фаоллигини ошириш, демократик жамиятнинг энг муҳим таркибий қисми бўлиши партиялараро рақобатни кучайтиришнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Юқорида зикр этилган қонунга мувофиқ сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг давлат ҳокимиятининг бошқа қайсидир органлари аралашувисиз таъминлайдиган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига конституциявий орган мақоми берилди, унинг фаолият кўрсатиш механизми, фаолиятининг мустақиллиги, қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик, адолатлиликдан иборат бўлган асосий принциплари белгиланди. Буларнинг барчаси сайловларнинг демократлигини, очиклиги ва ошкоралигини,

қонунийлигини ҳар томонлама таъминлашнинг энг муҳим кафолатига айланди.

Муҳокама давомида таъкидланганидек, дастурда сайлов компаниясининг барча босқичларида шаффофлик, ошкоралик, очиклики таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар, тайёргарлик кўриш ва сайлов жараёнини ташкил қилиш ишларини қонунчиликка мувофиқ тарзда амалга ошириш назарда тутилган.

Дастур сайлов қонунчилиги қоидаларини сайловчиларга кенг тушунтириш бўйича ахборот-таҳлил ишларини самарали ташкил этиш учун шарт-шароитларини таъминлаш, миллий сайлов тизимини янада демократлаштиришнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш, сайловчиларнинг бўлажак сайловга мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида хабардорлигини ошириш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича халқаро, республика ва минтақавий тадбирлар ўтказишга назарда тутилди.

Сиёсий партияларга, депутатликка номзодларга ўз сайловолди дастурларининг қоидаларини, мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича ана шу дастурларда ўз ифодасини топган позицияларини сайловчиларга, жамоатчиликка етказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда кенг ва тенг имкониятлар яратилади.

Мажлис иштирокчилари тадбирлар дастури сиёсий партияларнинг давлат органларини шакллантириш жараёнида фаол иштирок этиши ва эркин рақобатлашиши, фуқароларнинг вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишлари учун зарур шарт-шароитларни таъминлашнинг алоҳида таъкидланди.

Мажлисда муҳокама натижалари бўйича тегишли қарор қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(ЎЗА)

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан «Кучли фуқаролик жамияти барпо этишда ёшларнинг ўрни» мавзусида анжуман ташкил этилди.

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ЁШЛАР

Унда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари, маҳаллалар фаоллари, ота-оналар, ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Президентимиз Ислоом Каримов раҳнамолигида инсон ҳуқуқ ва манфаатлари олий қадрият ҳисобланган, қонун устуворлиги таъминланган демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш йўлида кенг қўланишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар аввало ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, моддий ва маънавий рағбатлантиришга қаратилгандир. Ўз навбатида ёшлар илм-фан, спорт ва бошқа барча жабҳаларда эришаётган ютуқлари билан давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътиборга муносиб бўлишга интиломоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори навқирон авлоднинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, йигит-қизлар онги ва қалбини турли маънавий таҳдидлардан ишончли ҳимоялаш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга қаратилган ислохотларни янги босқичга кўтармоқда.

Анжуманда «Соғлом бола йили» Давлат дастурига мувофиқ «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида»ги қонуннинг янги тахрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида интерфол усуллардан фойдаланган ҳолда атрофлича маълумот берилди. Мазкур қонун лойиҳаси ҳақида ёшларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди.

— Ҳуқуқ ва манфаатларимиз ҳимоясини янада мустаҳкамлашга хизмат қилувчи янги қонун лойиҳаси ёшларни ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ўлгайишга, мамлакатимиз раёнақи йўлида бор иқтидор ва қобилиятини намойён этишга ундайди, — дейди Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейи ўқувчиси Аббос Туробидинов.

Тадбирда ёшларга оид қонунчиликни янада такомиллаштириш борасида мутахассисларнинг чиқишларини қўлайтириш, ўғил-қизларни «оммавий маданият» таъсиридан ҳимоя қилишда оила, маҳалла, таълим муассасалари ҳамкорлигини янада қўлайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

(Давоми. Боши 1-бетда)

Истиқболли лойиҳалар самараси

Ишлаб чиқариш ҳажми ошишида инвестиция лойиҳаларининг ўрни беқиёс. Айни вақтда 275 лойиҳа доирасида амалга оширилган модернизация ва реконструкция ишлари туфайли жорий йилнинг биринчи чорагида тармоқ корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажми 2013 йилнинг шу даврига нисбатан 6,2 фоиз ошди. Хусусан, қандолатчилик тармоғида уч баробар, озиқ-овқат йўналишида икки ярим баробар ўсишга эришилди.

Уюшма тизимидаги корхоналарда замонавий сифатни баҳолаш тизими жорий этилаётгани экспорт ҳажми ва турини кенгайтиришда муҳим омил бўлаётди. Бу борадаги изланишлар самарасида қирққа яқин корхона «ISO 9001» халқаро сифатни бошқариш сертификатига эга бўлди. Бир қатор корхоналарда «ISO 22000» халқаро озиқ-овқат хавфсизлиги менежменти тизими йўлга қўйилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун давлат стандартлари янада қўлайтирилди.

Кейинги йилларда барча тармоқда, жумладан, ёғ-мой ишлаб чиқариш йўналишида қўллаб янги маҳсулот турлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Самарқанд вилоятидаги «Голден ойл» масъулияти чекланган жамиятида соядан, Фарғона вилоятидаги «Эффектив ойл» жусусий корхонасида ўрик данагидан ёғ ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Соғ, махсор, кунгабоқар каби мойли ўсимликлар етиштириш учун ажратилаётган ер майдонларида ёғ-мой корхоналари йилига ўртача 95 минг тонна хомашё тайёрлаб, маҳсулотни қайта ишламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 апрелда қабул қилинган «Саноат тармоқлари корхоналарининг маънавий эскирган ва ейилган асбоб-ускуналарини жадал аниқлашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори тизимдаги корхоналарни технологик жиҳатдан аниқлашда муҳим аҳамият касб этаётди. Қарорга мувофиқ ҳозиргача 200 дан ортиқ корхонада техник ва технологик аниқлаш ишлари бажарилди. Озиқ-овқат корхоналарида ўрна тилган тежамкор ускуналар самарасида сарф-харажатлар камайиб, маҳсулот таннариги ўртача 8,5 фоиз эронлашди.

Ўзимизнинг бугдой, ўзимизнинг нон

Ҳар қуни дўхонлардан ўнлаб хилдаги мазада нон ва нон маҳсулотларини таъминлашга кўра истаганимизни харид қиламиз: оқ нон, қора нон, кепакли нон, жавдор нон, шифобахш нон, батон, ширин батон, тешиқкулча, ширинкулча... Нонлар катта-кичик ҳажмда ишлаб чиқарилган, махсус қадоклардан, истеъмол муддати кўрсатилган, сифати кафолатланган.

Харидорларга махсус шифобахш нон маҳсулотлари ҳам тақдим этилмоқда. Жумладан, қандли диабет, ошқозон-ичак касалликлари билан оғриган беморлар учун майдаланган бугдой ва кепак аралашмаларидан турли шакл ва ҳажмдаги маҳсулотлар тавсия қилинмоқда. Ошқозон-ичак касалликларида қалчиган беморлар учун тузи пастрок, қотирилган нон ишлаб чиқарилаётган бўлса, буйрак, юрак-қон томир касаллигидан даволанганлар учун тузи кам маҳсулотлар — тешиқкулчалар ва қотирилган нонлар тайёрланмоқда.

Бугун нон олиш учун соатлаб навбатда туришни кўпчилик, айниқса, ёшлар тасаввурига ҳам сиздирилмайдиган. Турнақатор бўлиб буханкага навбатда турган, таъбиға

кўра танлаб эмас, нон тугаб қолмасдан улгурганига хурсанд бўлган одамлар ўтган даврларни аччиқ хотира сифатида эслайдилар.

Президентимиз Ислоом Каримовнинг 2009 йил 12 мартда қабул қилинган «2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарори нон ишлаб чиқаришни замонавий асосда ривожлантиришда дастуруламал бўлаётди. Бугунги кунда мамлакатимизда нон ишлаб чиқаришга ихтисослашган минглаб корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Уларда 300 хилдан кўпроқ нон тайёрланмоқда.

Бундай ютуқларни қандолат маҳсулотлари йўналишидан ҳам келтириш мумкин. Уюшма корхоналарида 1 минг 300 тоннадан ортиқ конфет, вафли, карамель, мармелад, ҳолва ва бошқа маҳсулотлар тайёрланмоқда. Бу ички бозорни арзон, сифатли ва рақобатбардор ширинликлар билан тўлдириш имконини бераётди. Мисол учун, «Сингапур — Самарқанд» хорижий корхонасида 70 хил маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда. 2012 йилда 1,5 миллион доллардан зиёд хорижий инвестицияни ўзлаштириш ҳисобига олти хилдаги шоколад ва



налар ягона солиқ тўлашда имтиёзга эга. Тизим учун зарур бўлган, хориждан келтириладиган асбоб-ускуна, эҳтиёт қисмлар ва ёрдамчи материаллар боғжона тўловларидан озод қилинган. Бундай қўлайликлар ҳисобига бежирим, полимер идишларда қадокланган, сақлаш муддати узайтирилган сут маҳсулотлари тури ва миқдори ошмоқда. Таъкидлаш жоизки, бу маҳсулотлар халқаро талаблар бўйича хориж маҳсулотлари билан нафақат рақобатлаша олади, айрим сифат кўрсаткичлари жиҳатидан устун ҳамдир.

Табиий, сифатли, рақобатбардор

Юртимиз азалдан тотли олма, шафтоли, нок, гилос, олхўри, беҳи, узум, анор, полиз экинлари ва сабзавотлари билан дон таратган. Бу мева-сабзавотлар нафақат ташқи кўриниши, балки шифобахшлиги билан ҳам ажралиб туради.

Мамлакатимизда мева-сабзавотни қайта ишлашга ихтисослашган икки юздан зиёд корхона ва ишлаб чиқарувчи фаолият юритмоқда. Улар витаминларга бой маҳсулот турларини кун сайин қўлайтирмоқда.

Президентимизнинг 2006 йил 9 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қишлоқ ҳўжалигининг мазкур тармоғини ривожлантиришда янги босқични бошлаб берди.

Соҳага жалб этилаётган хорижий инвестиция миқдори ҳам тобора ортмоқда. 2013-2015 йилларга мўлжалланган инвестиция дастури асосида қарийб уч юзта лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Натижада қўйилтирилган мева шарабатлари, мурabbo ишлаб чиқариш ҳажми янада кенгайиб, экспорт салоҳияти ошади.

Модернизация жараёнида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, бошқа саноат тармоқлари билан кооператив алоқаларни ривожлантириш асосида импорт ўрнини босувчи маҳсулот тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мухими, бу йўналишда қишлоқларда фаолият юритаётган қувватлар ҳам замонавийлиги, маҳсулот сифати юқорилиги билан муҳим аҳамиятга эга.

Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмасида қандолат, гўшт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўлайтириш, янги тармоқларни ташкил этиш орқали ички бозорни сифатли ва харидорбоп маҳсулотлар билан тўлдириш борасидаги ишлар юксак самара бермоқда. Бундай изчил сазй-харажатлар бозорларимиз тўқинлигини, халқимиз дастурхонининг файзини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА шарҳловчиси

ОБОД ЮРТНИНГ ФАЙЗЛИ ДАСТУРХОНИ

чокакрем линияси ишга тушди. «Афросиёб Шарқ ширинликлари» масъулияти чекланган жамиятида ҳам қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми кенгаймоқда.

Мазали ва шифобахш

Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асарида сут ва сут маҳсулотлари болалар, ўрта ва кекса ёшдагилар учун энг яхши озуқа эканлиги айтилган.

Мамлакатимизда сут маҳсулотлари сифатини ошириш ва турини кенгайтириш борасида кенг қўланиш ишлар бажарилмоқда. Айни вақтда йилига 7,2 миллион тоннадан ортиқ сут етиштирилиб, аҳолининг эҳтиёжи етарли даражада қондирилмоқда. Сутни қайта ишлаш корхоналарида 70 хилдан зиёд сут маҳсулотлари, сарёғ, пишлок, йогурт ишлаб чиқаришмоқда.

2013 йилда ички ва ташқи инвестициялар қўмағида умумий қиймати 16,6 миллион долларга тенг 126 лойиҳа амалга оширилди, 34,6 минг тонна сутни қайта ишлаш қувватлари ишга туширилди. Энг муҳими, чекка туман ва қишлоқларда ҳам янги объектлар барпо этилаётди.

Мазали ва шифобахш хусусиятларга эга янги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, замонавий энергия тежамкор технологияларини жорий этиш корхоналар учун истиқболли йўналиш ҳисобланади. Қийратидаги «Бисосут» корхонасида қаймоқ, пишлок, қатик, бринза, болалар учун таомлар ишлаб чиқарилади. Замонавий технологиялар қўмағида тайёрланаётган, турли ҳажмда қадокланган маҳсулотлар харидорларга манзур бўлаётди.

Сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоғини янада ривожлантириш учун қатор имтиёзлар берилмоқда. Мисол учун, асосий фаолият тури сутни қайта ишлашга ихтисослашган микрофирма ва кичик корхона

топиб, оиласига қўмаклашишга интилиш ортиб бормоқда.

Миллий қадриятларимиз қадр топаётган мазкур маҳалладаги қўллаб-қувватлашда ана шундай миллий хўнарамандлик аъёналарининг давомчилири яшайди. Маҳалла фуқаролар йиғини уларнинг фаолиятини ривожлантиришга, миллий аъёналаримизнинг бардавонлигини таъминлашга яқиндан қўмаклашмоқда. Маҳалла ҳудудидидаги коллеж ва мактабларда «Қадриятлар бешигисан, маҳаллам», «Ораста қизлар», «Моҳир қўллар» каби танловлар ўтказиш аъёнана айланган.

Бундай тадбирлар ёшлар бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу йил маҳаллада яшовчи тўқсон нафардан зиёд йигит-қиз турли йўналишлардаги коллежларни битиради. «Коллеж-корхона» ҳамкорлиги асосида ҳозирдан уларнинг иш жойлари тайин бўлган.

— Ёшларни мамлакатимизда амалга оширилаётган эзгу ишларда фаол қатнашишга даъват этиш, уларнинг онгига миллий қадриятларни чуқур сингдириш ва бандлигини таъминлаш гоят масъулиятли вазифалардан, — дейди ЎЗА муҳбирига «Оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулчехра Каримова. — Бундай вазифаларни амалга оширишда маҳалла фаолларининг таъсири катта. Бу борада ҳудудимиздаги таълим муассасалари раҳбарлари ва ота-оналар билан ҳамкорликда «Оила — маҳалла — мактаб» тамойили асосида иш олиб боряламиз.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида мазкур маҳаллада давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда турли лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси билан ҳамкорликда коллеж ўқувчилари ўртасида тадбиркорлик ва ишбилармонлиқни ривожлантириш бўйича қўллаб-қувватлаш ташкил этилмоқда. Бу жараёнда ўз бизнесини бошламоқчи бўлган ёшларга бизнес-режа тузиш, банкдан кредит олиш ва бошқа тартиб-қоидалар тушутирилмоқда. Оилавий тадбиркорларга давлат томонидан берилган имтиёзлар ва улардан фойдаланиш йўллари ҳақида маълумот берилиб, фаолиятини янада ривожлантириш бўйича қўмаклашмоқда.

Баҳор ХИДИРОВА

ФРЕДЕРИК СТАРР: «ЎЗБЕК ХАЛҚИ БОЙ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТГА ЭГА»

(Давоми. Боши 1-бетда)

Фалсафа ва диншўнослик доирасидан ташқаридаги бошқа муваффақият ва кашфиётлар ҳам мавжуд. Марказий Осиё тигел пўлати, Самарқандда қайта кашф қилинган пахтадан қоғоз, шамол тегиримини ва бошқа технологиявий кашфиётларнинг ватани бўлган. Буларнинг барчаси ана шундай ютуқларга бағишланган янги конференциянинг мавзусига айланиши мумкин.

Шу нуктаи назардан, минтақани Ҳиндистон, Хитой, Европа ва Яқин Шарқни орта қолдирадиган тараққиёт жараёнининг етакчиси, деб ҳисобласа бўлади. Марказий Осиё ва айниқса, Ўзбекистоннинг интеллектуал салоҳияти минг йиллар мобайнида бутун Евроосий ҳудудини ҳаракатлантириб келган.

Ўзбекистонга сафарини интиқлик билан кутаямман. Мазкур конференция қўпгина ўзбек олимлари, ўзим чуқур ҳурмат қиладиган инсонлар билан ўрашаш имконини беради. Мен улардан қўп нарсаларни ўрганганман. Ҳозирча яна айрим касбдорлар билан танишганим йўқ, уларнинг қўпчилигини фақат китоблари орқали биланман. Шу боис улар билан ўрашаш мен учун жуда қизиқarli бўлади. Марказий Осиёнинг Олтин асри тарихини бутун дунёга маълум қилиш борасидаги фаолияти учун ҳамкасбларимга миннатдорлик билдириш ва уларни ушбу йўналишдаги илмий тадқиқот ишларини давом эттиришга даъват қилиш ниятидаман.

«Жаҳон» АА.

МАДАНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ФЕСТИВАЛИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қобуллар уйида мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ва хорижий ташкилотлар вакиллари иштирокида маданий аъёналар ва миллий таомлар фестивали бўлиб ўтди.

Тадбирда Президентимиз Ислоом Каримов раҳнамолигида давлатлараро ҳамкорликни ривожлантириш, халқлар ўртасида маданий алоқаларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Эътихоналар ўртасида мунтазам ўтказиб келинаётган турли спорт мусобақалари, маданий ўрашув ва фестиваллар ўзаро дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётди.

— Мазкур фестиваль турли халқлар маданияти ва урф-одатлари билан танишиш, ҳамкасблар билан яқиндан мулоқот қилиш имконини бермоқда, — деди ЎЗА муҳбирига Швейцариянинг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Никола Брөль. — Фестивалда эътихонавий Швейцария пишлоқлари — киш ва ракет, ёнғоқ, ва бодомдан тайёрланган ширинликлар билан иштирок этди. Швейцарияда пишлоқ асосан қишда истеъмол қилинади. Мамлакатимизда йилнинг истаган фаслида ушбу маҳсулот тановул қилиниши қувонарли. Ўзбек миллий таомлари, айниқса, мамлакатимиздаги вилоятларида турлича тайёрланган палов тановул қилиниши жуда яхши кўраман. Ҳеч қаварда серкўёш ўлгангизда етиштирилгандек мазали қовун ва тарвузни емаганимни ҳам алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман. Мамлакатимиз бозорлари йил давомида тўқин-сочинлиги билан кишини лол қолдиради.

Тадбирда турли мамлакатлар халқларининг маданияти, урф-одатлари, қадрият ва аъёналари, миллий либослари, таомлари, хўнарамандлик ва амалий санъат намуналари намойиш этилди. Санъаткорлар ижросида мумтоз ва замонавий куй-қўшиқлар янгради.

Нодира МАНЗУРОВА

Ўқув муассасаларида ТАЪСИРЧАН ТАДБИРЛАР, ЖОНЛИ МУЛОҚОТЛАР

Инсонни, шу жумладан, келажакимиз эгалари бўлган ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири. Зеро, уларнинг билими, тафаккури, дунёқароши ҳозирги мураккаб давр талабларига жавоб бериши зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бу борада ҳар бир меҳнат жамоасида, олий ва ўрта махсус ўқув юртиларида маънавий-маърифий, тарғибот ва тушутириш ишларини юқори савияда ташкил этиш алоҳида аҳамиятга эга. Бунини чуқур ҳис этган Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети раҳбарияти, профессор-ўқитувчилари шу масалаларга чуқур масъулият билан ёндашмоқдалар.

Университетда «Диний экстремизм, терроризм ва миссионерликнинг ёшларга ғоявий таъсири», «Ёшлар орасида гўёханд воситаларнинг тарқатилишига қарши кураш», «Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашнинг қонунчилик асослари» ва бошқа долзарб мавзулардаги тадбирларнинг мунтазам ўтказиб келинаётганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Ана шу тадбирларда мавзуга дахлдор вазирлик ва идораларнинг раҳбар ходимлари, етакчи мутахассислар ҳамда билимдон кишиларнинг қатнашаётгани, ёшларни қизиқтирган саволларга малакали жавоб қайтаришаётгани нур устига аъло нур бўлмоқда. Университетимизнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Хамид Ҳакимов, устоз-мураббийлар кенгаши раиси Нодира Убайдуллаева, Ўзбекистон тарихи ва ҳуқуқшўнослик кафедраси мудири Нилуфар Ҳўраева, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Феруза Тўраева, юридик фанлари номзодаи Файзулла Филомов ва бошқа профессор-ўқитувчиларимиз тадбирларнинг таъсирчан, самарали ўтиши учун ўзларининг билим, тажрибаларини ишга солимоқдалар.

Юқорида қайд этилган мавзулардаги тадбирлар фақат университетда эмас, балки бошқа жойларда, хусусан, маҳаллаларда — аҳоли ўртасида ҳам ўтказиб келинмоқда. Чунончи, Учтепа туманидаги «Бекобод», «Қорёғди», «Латифгузар» каби маҳаллалардаги ўрашувлар, давра суҳбатлари мазмунли, жонли мулоқот тарзида ўтганили билан ажралиб турди.

Университетимизда «Ҳуқуқ билимдонлари», «Тафаккур ёлғуси» каби мавзуларда талабалар ўртасида қўриқ-танловлар ўтказиш ҳам яхши аъёнана айланган. Яқинда инглиз тили факультетининг биринчи босқич талабалари учун «Сиз қонунни биласизми?» мавзuida танлов ўтказилди. Унда Наргиза Ҳайитмуродова, Нодира Жамбулқориева, Гулҳаё Эргашева, Мавжуда Маҳидова сингари талабалар билимдон эканликларини намойиш этишди.

Ҳуришда ТИЛЛАХЎЖАЕВА,
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ўқитувчиси

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Оқтепа маҳалласи гузарига кириб борганимизда, маҳалла фуқаролар йиғини раиси фаоллар билан бандлик масаласида йиғилиш ўтказётган экан.

Тадбир қатнашчилари коллеж битирувчилари билан имзоланган уч томонлама шартномалар мазмун-моҳиятини хонадонларда кенг тарғиб этиш, ёшларни «устоз-шогирд» аъёналари асосида оилавий тадбиркорларга бириктириш, йигит-қизларга ўз бизнесини йўлга қўйиш борасида ҳуқуқий ва амалий қўмак бериш каби масалаларни таҳлил этиб, вазифаларни белгилаб олдилар.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш билан боғлиқ кенг қўламли вазифаларни амалга оширишда фуқаролик жамиятининг ноёб тузилмаси бўлган маҳалла институтининг ўрни ва роли тобора ошиб бораётди. «Соғлом бола йили» Давлат дастурида бу борада белгиланган вазифаларни ҳаётга татиқ этиш мақсадида ҳудудларнинг ўзига хос хусусияти, шаклланган хўнарамандлик ва тадбиркорлик аъёналари асосида қатор лойиҳалар рўёбга чиқарилмоқда.

Юнусобод туманидаги Оқтепа маҳалласида яшовчи аҳоли томорқа имкониятларидан оқилона фойдаланиш, деҳқончилик ва боғдорчиликнинг ўзига хос йўналишлари билан шугўлланишни ўзлаштирган. Хусусан, маҳалла фаоли Нёматилло Алиев ўз ҳовлисида мўъжаз боғ барпо этган. Ўн нафардан зиёд оила аъзоси бу ерда мева, сабзавот етиштириш билан банд. Томорқада ҳар йили деҳқончилик маҳсулотларидан мўмай даромад олинади. Бу оиланинг ушбу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондириш ва фаровонлигини оширишда қўл келмоқда.

Маҳаллада оилавий тадбиркорликнинг бошқа йўналишлари ҳам ривож топиб бораётди. Турли жиҳозлар ясаш билан машғул уста-хўнарамандлар, тикувчилар оила шариоатида самарали фаолият юритмоқда. Новойилки, миллий хўнарамандликнинг қўллаб-қувватлашлари, жумладан, попопчилик, каштачилик хўнари авлоддан авлодга ўтиб келмоқда.

Тўрт фарзанднинг онаси, саккиз набиранинг буви-си Мўътабар Каримова онасидан ўрганган попопчи-

лик ва каштачиликни бадий ижод даражасига олиб чиққан ана шундай моҳир оилавий тадбиркорлардан бири.

Президентимиз Ислоом Каримовнинг 1997 йил 31 мартда қабул қилинган «Халқ бадийи хўнарамандчиликлари ва амалий санъатни янада ривожлантиришнинг давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони Мўътабар ая бошчилигидаги оиланинг фаолияти учун ҳам кенг йўл очди. Хўнарамандлар оиласида бугунги кунга келиб қирқ турдан ортиқ маҳсулот тайёрланмоқда.

2014 йил — Соғлом бола йили

БАРҲАЁТ АЪНАНАЛАР

Моҳир чевар ўзи яратаётган сўзана, чойшаб, зардевор, палакларда қадимий услубларни замонавий йўналишлар билан уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратади. Анор, қалампир нуша нақшлар билан зийнатланган, турфа гуллар тасвири туртирилган рангбаранг чеварлик ишларининг ҳар бири ноёб санъат асари. Шу боис, бу маҳсулотларнинг харидорлари тобора ошиб бораётди. Айни пайтда онахоннинг хўнарини қизи ва келинлари ўрганмоқда. Шунингдек, бу оилада маҳалла ташаббуси билан коллеж ва мактаб ўқувчилари иштирокида «устоз-шогирд» аъёнаси асосида тез-тез маҳорат сабоқлари ташкил этилади.

Илм-фан юксак тараққиётга эришиб, ахборот, компьютер технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги кунда инсоннинг ҳар томонлама билим ва кўникмага эга бўлиши гоят муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боис фарзандининг ўзи танлаган касбини пухта ўзлаштириши, бинобарин, ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш ҳар бир ота-она учун энг муҳим вазифалардан бўлса, давлат учун ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишларидан биридир.

Айни пайтда мамлакатимизда ҳар бир шахс билим олиш, меҳнат қилиш ва эркин касб танлаш ҳуқуқига эга. Бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланган. Таълим жараёни эса «Таълим тўғрисида»ги қонун асосида тартибга солинмоқда. Бу, ўз навбатида, юрtdошларимизга орзу ва мақсадларини рўйбга чиқариш, ўзи хоҳлаган касб билан шугулланиш, жамиятимизда муносиб ўрин эгаллаш имконини бераётди.

Шунинг учун навбатдаги ўқув йили ниятисига етиши билан, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун масъулиятли ва ҳаяжонли дамлар бошланади. Негатив, улар ўз ҳаётидаги энг муҳим қарорлардан бирини қабул қилиши, яъни касб танлаши керак бўлади. Бу йил олий таълим муассасаларида таълим ва касб йўналишларига кўлаб янгиликлар киритилди, кириш имтиҳонлари тизимида ҳам айрим ўзгаришлар жорий этилди. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2014 йил 30 апрелда қабул қилинган Республика олий таълим муассасаларига қабул қилиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисидаги Қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда.

ЎЗА муҳбири Ўзбекистон Республикаси-Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори Жаҳонгир Исмоилов билан олий таълим муассасаларига ўқишга кириш имтиҳонлари тизимига киритилган янгиликлар ҳақида суҳбатлашди.

— Ўзбекистон МДХ давлатлари орасида ўқишга кириш имтиҳонларини ўтказиш бўйича бир хил тизимни жорий этишда етакчилик қилмоқда. Zero, замонавий илм-фан, таълим ва ахборот технологияларига асосланган ҳолда тест синовлари ёрдамида баҳолаш тизими шахснинг интеллектуал ривожланиши даражасини аниқлаш имконини беради.

Сўнгги йилларда тест синовлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги «Олий таълим муассасаларига қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низоимларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ва Олий таълим муассасаларининг бакалавриятга талабаларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низоимга мувофиқ ўтказилмоқда. Тест синовлари ўқувчилар билимининг баҳолашда субъектив омилини четлаб ўтиб, мазкур жараёнда кўпроқ ҳолисликка эришиш имконини беради.

Мамлакатимизда ёшларнинг олий маълумотли бўлишга интилиши йил сайин ортиб бораётганини алоҳида таъкидлаш керак. Масалан, 2012 йилда олий таълим муассасаларига 432 минг, 2013 йилда 480 минг нафардан зиёд абитуриент ҳужжат топширган.

Замонавий тестология, тест топшириқларини текшириш назариясининг илмий асосларини ишлаб чиқиш, уларнинг сифатини ошириш 2014 йилда ҳам Давлат тест марказини ривожлантириш борасидаги стратегик вазифадир.

— **Айтинг-чи, жорий йилда олий таълим муассасаларига қабул қилиш тартибига қандай ўзгаришлар киритилди?**

— Давлатимиз раҳбари олий таълим муассасалари бакалавриятга танлаган мутахассислиги бўйича ўқишга киритилган абитуриентларни тест синовидан ўтказиш сифати ва

ҳолислик даражасини ошириш, уларнинг интеллектуал даражаси, дунёқараши ва мустақил фикрлаш қобилиятини баҳолаш мақсадида шу йил 30 апрелда Республика олий таълим муассасаларига қабул қилиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарорга имзо чекди.

Мазкур ҳужжатда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Таълим муассасаларига қабул қилиш давлат комиссиясининг 2014 йил 1 майда бўлиб ўтган йўналишида бу борадаги тегишли масалалар муҳокама этилди.

2014/2015 ўқув йилида олий таълим муассасаларининг бакалавриятга талабаларни қабул қилишда математика фани бўйича тест синовларига информатика ва ахборот технологияларига тааллуқли савол ҳамда топшириқлар киритилмоқда. Мисол учун, математика бўйича 30 савол, информатика ва ахборот технологиялари бўйича 6 савол киритилди.

Тест синовларига математика фани ҳам киритиладиган 168 таълим йўналишининг 108 таси бўйича имтиҳонларга

ТЕСТ СИНОВЛАРИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

юқорида қайд этилган масалаларни жорий этиш кўтилмоқда. Чунинчи, «Математика фанини ўқитиш услуби», «Физика ва астрономия фанини ўқитиш услуби», «Кимё фанини ўқитиш услуби», «Физика», «Иқтисодиёт», «Солиқ ва солиққа тортиш», «Электроника ва асбобсозлик» ва бошқа таълим йўналишлари шулар жумласидандир.

Абитуриентларнинг билим даражасини аниқлашда (3,1 балл даражасида баҳоланади) мутахассислик бўйича фанлар ролини тубдан ошириш мақсадида олий таълим муассасаларининг бакалавриятга қабул қилишда тест синовларига киритилган фанлар рўйхатини қайта қўриб чиқиш ҳамда янгиланган борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Мухтасар айтганда, таълим йўналишлари таҳлил этилиб, 43 таълим йўналиши бўйича тест синовлари ўтказиладиган фанлар, жумладан, 22 йўналиш бўйича мутахассисликка оид фанлар қайта қўриб чиқилди. «Геофизика», «Кончиллик иши», «Нефть ва газ конларига ишлов бериш ҳамда улардан фойдаланиш», «Электротехника, электромеханика ва электр технологиялари» (соҳалар бўйича), «Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» (соҳалар бўйича) ва бошқалар шундай фанлар жумласига кирилади.

Жорий этилаётган мазкур янгиликлар абитуриентлар билим даражасини ҳолисона баҳолашда мутахассисликка оид фанларнинг роли ва аҳамиятини сезиларли равишда ошириш имконини беради.

— **Тест синовлари тизимига яна қандай қўшимча фанлар киритилди?**

— Маълумки, чет тиллар шахсни шакллантириш ва унинг билим даражасини оширишда муҳим ўрин тутати, глобал

ахборот маконида ҳар томонлама билим олиш, бошқа мамлакатларнинг маънавий бойликлари, илмий салоҳиятидан бохабар бўлишга ёрдам беради, бошқа халқлар вакиллари билан бевоқифлик мулоқот қилиш имкониятини яратди.

Шу боис давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Унга биноан бу йил тест синовлари тизимига 24 таълим йўналишида чет тиллар бўйича тест синовлари жорий этилаётди. Шундай қилиб, чет тиллар бўйича тест синовлари ўтказиладиган таълим йўналишлари сони 35 дан 59 га етди.

Булар «Ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси» (транспорт турлари бўйича), «Радиоэлектрон ускуналар ва тизимлар» (соҳалар бўйича), «Телекоммуникация», «Информатика ва ахборот технологиялари» (соҳалар бўйича), «Ахборот хавфсизлиги» (соҳалар бўйича), «Метрология, стандартлаштириш ва махсулот сифати менежменти» (соҳалар бўйича), «Энергетика», «Автомобиль ва тракторсозлик» ва бошқа йўналишлардир.

Яна шунинг қайд этиш керакки, жорий йилдан физика асосий мутахассислик фани бўлган таълим йўналишлари сони бештадан йигирматага кўпайтирилди. Булар, масалан, «Механика», «Геофизика», «Кончиллик иши», «Нефть, газ ва кимё сановати технологияси», «Электротехника, электромеханика, электр технологиялари» йўналишларидир.

Биология асосий фан сифатида ўқитиладиган таълим йўналишлари сони ўн саккизтадан йигирма биттага кўпайди. «Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилик», «Зоотехния» (турлар бўйича), «Ветеринария» ва бошқалар шулар жумласидандир.

— **Кириш имтиҳонлари тизимига жорий этилган ўзгаришлар тест саволларини тайёрлаш жараёнига қандай таъсир кўрсатади?**

— 2014 йилда олий таълим муассасаларининг бакалавриятга ўқишга кириадиган абитуриентлар тест синовидан ўтказиладиган фанлар бўйича савол ҳамда топшириқлар рўйхати ҳам қайта қўриб чиқилди. Бунинг учун тест саволларини тузиш бўйича экспертлар гуруҳи таркибига олий ўқув юрлари, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг икки юзга яқин тажрибали ўқитувчиси, юқори малакали мутахассислар, илмий кадрлар жалб этилди.

Улар барча фанлар бўйича тест синовларига киритилган саволларни ўрганиб чиқди. Бунда абитуриентларнинг маънавий фикрлаш қобилияти, дунёқараши, тест синовлари ўтказиладиган фанларни қанчалик чуқур билишини аниқлашга қаратилган тест саволларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бу борада амалга оширилган ишлар якуни бўйича замонавий талабларга мос, олий таълим муассасаларига ўқишга киришни истаган ёшларнинг билим даражасини ҳолисона баҳолаш ва танлаш имконини берадиган ягона тест саволлари базаси шакллантирилди.

Олий таълим муассасаларига қабул қилиш тартибига киритилаётган ўзгаришлар ҳақидаги ахборот, информатика ва ахборот технологиялари бўйича тест саволлари ҳамда вазифалари дастурлари, таълим йўналишлари бўйича тест ўтказиладиган фанлар рўйхати ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари, оммавий ахборот воситалари, ваколатли давлат органлари сайтлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг сайти орқали абитуриентлар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларига етказилади.

ЎЗА муҳбири
Меҳрибон МАМАТОВА
суҳбатлашди.

Танловлар

ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Республика эстрада цирк коллежида ўқувчи-ёшлар ўртасида «Бахтиёрлар диёри» кўрик-танлови ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат» маркази, Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, шаҳар прокуратураси, «Камолот» ЕИҲ шаҳар Кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди шаҳар бошқаруви ҳамкорлигида уюштирилган танловда Сергели тиббиёт, Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар, Республика эстрада-цирк, Тошкент иқтисодиёт, Тошкент солиқ коллежлари ҳамда Тошкент Ислам университети қошидаги академик лицей ўқувчилари иштирок этди.

Кўриқнинг биринчи шарт, «Дунё тан олган юртим» деб номланди. Унда иштирокчи гуруҳлар ўзалари таҳсил олаётган ўқув муассасасида олиб борилаётган ибратли ишлар, ёшларнинг ўқиши, касб эгаллаши учун яратилган шарт-шароитларни кўрсатиб бердилар.

Шунингдек, миллатимиз ифтихори бўлган аждодларимизнинг муносиб ҳаёт йўли, улар қолдирган бой мерос, бугунги замонамиз ҳақдорларини ва уларнинг ибратли ишлари ҳаётий мисоллар, шеър, кўшиқ, рақс ва сахна кўринишлари орқали намойиш этилди.

«Истеъдод» номли иккинчи шарт бўйича қатнашчилар сахна кўринишлари орқали воғна етмаганлар ўртасидаги назоратсизликнинг тартиббузарлик, жиноятчилик, гийҳ-вандлик, диний ақидапарастлик, миссионерлик аталмиш маънавий ҳамда ахлоқий тубанлик иллатларига олиб келишини кўрсатиб бердилар.

«Бахтиёрлар диёри» деб аталган учинчи шартда Ватанимизни мадҳ этувчи куй ва кўшиқлар янги-ради. Дўстлик кайфияти акс эттирилган сахна кўринишлари ҳамда миллий рақслар ижро этилди. Ёшларни фидокорликка ундовчи шеърлар ҳам учинчи шарт доирасидан жой олди.



Танловда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг иқтидорли ўқувчилари билан бир қаторда тарбияси оғир ўсмирлар «Тенгдош — тенгдошга» шиори остида қатнашдилар.

Танловнинг ноанъанавий томони шунда бўлдики, малакали педагоглар билан бир қаторда унда «Нихол», Зулфия Давлат мукофоти соҳибдорлари, «Баркамол авлод» спорт мусобақаси, Халқаро фан олимпиадалари ҳамда фестиваллар ғолиблари ҳам ҳакамлар ҳайъати сафидан жой олди.

— Таълим муассасаларида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини, фанлигини ошириш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳолатларининг олдини олиш юксак маънавиятли, теран тафаккурли, чуқур билимга эга ёшларни тарбиялаш мақсадида турли хил тадбирлар, давра суҳбатлари ва танловлар уюштирмоқда, — дейди шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бўлим бошлиғи Замира Азимбоева.

— Ўқувчилар билан олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни такомиллаштириш мақсадида ишчи гуруҳи ту-

зилган бўлиб, ҳар ойда шу мақсадга қаратилган чора-тадбирлар режаси юзасидан мониторинг олиб борилади. Икки йилдан буён анъанавий равишда ўтказилиб келинаётган мазкур танлов ҳам ўқувчи-ёшларда Ватанга садоқат, унинг тақдирини ўқувчи-ёшларнинг ҳиссини янада кучайтиради, шу билан бирга анъаналаримиз ва қадриятларимизни қадрлашга қорлайди.

Бугунги кунда Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тизимида жами 120 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари мавжуд бўлиб, 133621 нафар ўқувчилар таҳсил олмақда. Уларга 10194 нафар ўқитувчилар 140 та мутахассислик бўйича малака ва кўникмалар бериб келмоқда. Ўқитувчиларнинг 20 нафарини фан докторлари, 287 нафарини эса фан номзодлари ташкил этади.

Бундай танловлар эса келажаги буюк ёшларимизнинг юксак маънавияти, нурафшон эртаси, ёрқин келажаги йўлида хизмат қилиш баробарида уларнинг онгу тафаккурининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: танловдан лавҳа

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИА ЗАҲИРАЛАРИ КОЛЛЕЖИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги Р-2146-сонли Фармойишининг 8-бандига мувофиқ тасдиқланган «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари директор ўринбосарлари, педагог ва муҳандис-педагогларнинг бўш лавозимларини эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисида»ги низоимга асосан таълим муассасасининг қуйидаги вакант (бўш) бўлган директор ўринбосари лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Вакант (бўш) лавозим	Манзил
1	Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари	Чилонзор туман, Фозилтепа кўчаси, 38-уй

Малака талаблари: касб-ҳунар коллежининг таълим йўналиши бўйича ёки умумтаълим фанлари бўйича олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажини 5 йилдан кам эмас, малакавий даражаси — катта ўқитувчидан кам эмас.

Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлганда раҳбар лавозимларидаги шахсларга иш стажини талаб қилинмайди.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ариза;
2. Сўровнома (кадрларни ҳисобга олиш варақаси) ва таржимаи ҳол;
3. Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси;
4. Илмий даража ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари (мавжуд бўлса);
5. Илмий-услубий ишлар ва иштироқлар рўйхати (мавжуд бўлса);
6. 4 x 6 ўлчамдаги 4 дона фотосурат.

Бундан ташқари:

директор ўринбосари лавозимига номзоднинг таълим муассасасига бўлажак раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси (концепция).

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилди.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Х.Турсунқулов кўчаси, 38-уй. Тел: 273-86-81.

«Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати» ДУК томонидан; «O'ZAVTOYO'L» Давлат акционерлик компаниясининг «O'ZYOLBUTLASH» республика таъминот бошқармасига Мирзо Улугбек тумани, Сайрам кўчаси, 22-уй учун 23/01/2014 йилда берилган: №410 сонли (18 шаклдаги) маълумотнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Ўриндошлик асосида ишловчи ходим билан меҳнат шартномаси тузилиб, меҳнат шартномаси бандида иш бевуқчи томонидан 12 кунлик (24 иш кун) фақат асосий ходимга берилиши рўқач қилиб) йиллик таътил белгилаб қўйилди. Бу тўғрими?

И.Обидов,

Олмазор тумани

Ушбу ҳолат нотўғри. МКнинг 160-моддасига мувофиқ ўриндошлик - ходим ўзининг асосий ишини бажаришдан ташқари асосий ишидан бўш вақтида меҳнат шартномаси асосида бошқа ҳақ тўланадиган ишни бажаришидир.

МКнинг 133-моддасига кўра барча ходимларга, шу жумладан ўриндошлик асосида ишлаётган ходимларга, дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақлангани ҳолда йиллик меҳнат таътиллари берилади. Ходимларга 15 иш кунидан кам бўлмаган муддат билан йиллик асосий таътил берилади.

Ўриндошлик асосида ишлаётганларга таътил асосий иш жойидаги таътил билан бир вақтда, ўриндошлик асосида ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда берилади.

Шу тариқа, сиз билан тузилган меҳнат шартномасининг таътил тўғрисидаги шартлари МКнинг 119 ва 134-моддаларига зиддир ҳамда қўллангани мумкин эмас, чунки сизга 24 иш кунли муддатидан давом этадиган таътил берилиши керак.

Ходим 24 иш кунига таътилга чиққан. Аммо, у беш кундан сўнг касал бўлиб шифохонага тушиб қолди. Унинг касали 10-15 кун ичида тузалмаслиги маълум бўлди. Ходимнинг меҳнат таътили қанча муддатга узайтирилиши мумкин?

А.Собиров,

Юнусobod тумани

Меҳнат Кодексининг 145-моддасига мувофиқ вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик пайтида ходимлар таътилин узайтириш ҳуқуқига эгадирлар.

Бунда таътил меҳнатга лаёқатсизлик кунлари сонига узайтирилади.

Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик юз берган тақдирда ходим таътилдан фойдаланишга тўқтинчлик қилувчи сабаблар тўғрисида иш бевуқчини хабардор қилиши шарт. Бунинг учун ишга чиқиш шарт эмас, балки ёзма хабар юбориш ёки кўнгирок қилиш етарли бўлиб, таътил тугаганидан сўнг ишга чиқилганда вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасини тақдим этиш kifoya.

Таътилни эса узайтириш тўғрисида буйруқ чиқарилиши лозим.

Ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида ариза берилса, оғохлантиришнинг икки ҳафтаси мобайнида янги иш жойини қидирса бўладими?

О.Илхомов,

Бектемир тумани

Бўлади, фақат иш бевуқчи билан келишиб олиш керак.

Оғохлантириш муддати даврида ходим янги иш жойини фақат иш бевуқчининг розилиги билан излаши мумкин.

Агарда, у иш бевуқчи билан келишмасдан туриб ишни оғохлантириш муддати тугашигача қолдирса, бу ҳол узрли сабаблари бўлмаган прогуд деб баҳолашни мумкин. Бундай ҳолда эса иш бевуқчини ходим билан меҳнат муносабатларини ўз ташаббусига кўра қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бекор қилишга ҳақлидир.

Ходим касалхонадалигида ўз хоҳиши билан ишдан бўшашга ариза ёзма касалик варақаси муддати тугагач ишга чиқиб, икки ҳафта ишлаб бериши шартми?

К.Кобиров,

Миробод тумани

Бундай ҳолатларда, икки ҳафталик муддат тўхташга ёки унинг суртилишга олиб келмайди ва ходим ишлаб беришга мажбур эмас.

Асосийси, у олдиндан — 2 ҳафта олдин иш бевуқчини меҳнат муносабатларини бекор қилиш нияти тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Бундай ҳолда иш бевуқчини оғохлантириш муддати тугагандан сўнг ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиши ва ходимга меҳнат дафтарчасини бериши ва у билан ҳисоб-китоб қилиши шарт.

Нодир ТЕМИРОВ,

Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари таъкилотлари бирлашмаси Кенгаши
юридик бўлими етакчи юрисконсулти

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ШАҲРИМИЗ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

«Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати» давлат унитар корхонаси томонидан 2013 йил 10 сентябрдан бошлаб онлайн-аризаларни қабул қилиш тизими амалиётга татбиқ этилган бўлиб, унга кўра жисмоний ҳамда юридик шахслар кўчмас мулк билан боғлиқ нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун пойтахтимиздаги кўп қаватли уйлардаги **квартиралар** ҳақида 18-шаклдаги маълумотномаларни олиш имкони яратилди.

Кадастр ҳуж



Санъатимиз гулгунчалари

Ислом Исмоилов олган сурат

Санъат

ЁШ ИҚТИДОРНИНГ МАҲОРАТ СИНОВИ

Ўзбекистон Давлат консерваториясида истеъдодли хонанда, анъанавий ижрочилик кафедрасининг магистри Дилором Абдуазимованинг «Соғлом бола йили»га бағишланган ҳисобот концерти бўлиб ўтди.

Мусликий тadbирни кириш сўзи билан очган профессор Рифатилла Қосимов мамлакатимизда ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш борасида салмоқли ишлар қилинаётганини қайд этиб ўтди. Жумладан, Ўзбекистон Давлат консерваториясида таълим олаётган маҳоратли талабаларнинг ҳам ўсишлари йўлида барча шарт-шароитлар яратилаётганини алоҳида таъкидлади.

Иқтидорли ижрочи Д.Абдуазимова шашмақом, Фарғона — Тошкент мақом ашула йўллари, халқ куйлари ва ўзбек бастакорларининг мусликий асарларидан намуналар ижро этди. Алишер Навоий, Мунис, Увайсий, Машраб, Нодира каби буюк ижодкорлар газалларидан намуналар соз

ва наво ихлосмандларининг эътиборига ҳавола қилинди.

— Бу менинг ilk концертим, — деди тadbирдан сўнг Дилором Абдуазимова биз билан суҳбатда. — Қўшиқчилик соҳасидаги тўққиз йил давомида ўзлаштирган билим-маҳоратимни бугун мухлислар ва мутахассислар синовидан ўтказганимдан бахтиёрман. Бунинг учун устозларимдан айниқса, Рифатилла Қосимов, Эркин Рўзиматов, Маҳмуджон Тожибоев ва Замира Суноновалардан миннатдорман.

Юлдуз ХУДОЙБЕРДИЕВА,
ЎЗМУ журналистика факультети
1-босқич талабаси

Ўзбекистон Давлат амалий санъат музейи илмий жамоаси томонидан ташкил қилинган кўргазма «Музейлар — тарих кўзгуси» деб номланди.

— Ушбу кўргазмани уюштиришдан мақсад, музей заҳирасида сақланаётган экспонатлар ҳамда ёш усталарнинг халқ амалий санъатига оид ясаган асарларидан намуналарни кўрсатиш ва ўзбек халқининг бой меросини кўргазмага ташриф буюрган юртдошларимиз ва чет эллик меҳмонларга тўла-тўқис намойиш этишдан иборатдир, — дейди Ўзбекистон Давлат амалий санъат музейи директори Зухра Холикова. — Чунки халқимизнинг нодир ва ноёб мерослари мавжуд бўлган санъат муассасамизни тарих кўзгуси деб аташ мумкин. Инчунин, бу ердаги экспонатлар инсонларга маънавий озғун бериш баробарида, уларни миллий қадриятларимизни қадрлашга қўлайди. Шунингдек ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, энг асосийси, уларда бебаҳо меросимизни кўз қорачиқидек асраш туйғуларини шакллантиришга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Давлат амалий санъат музейи мамлакатимизда ўзига хос

Халқаро музейлар куни олдида

МУЗЕЙЛАР — ТАРИХ КЎЗГУСИ

нуфузга эга бўлган маданий даргоҳдир. Музей заҳирасидаги бадий буюмлар жаҳон аҳамиятига молик бўлиб, ўзбек халқининг моддий маданият ёдгорлиқларининг ривожланиш тарихини очиб беради.

Тadbир экспозициясида ёғоч ўймакорлиги, турли вилоятлар каштачилиги, ёғоч нақшчилиги каби амалий асарлар ўрин олган.

Жумладан, Ўзбекистон Бадий академияси аъзоси, ёғоч ўймакор устаси Комил Турдиқулов ва бошқа усталар томонидан яратилган санъат асарларини томоша қилишингиз мумкин.

Ёғоч ўймакорлиги ўзбек халқ амалий санъатининг кенг тарқалган тури ҳисобла-

нади. Бу санъат тури қадимдан ривожланган бўлиб, инсонларнинг уй-рўзгор буюмларида ва архитектурасида жуда кенг қўлланилади. Бунда бирор нақш ёки тасвир тахта ёки ёғоч буюмларга чизиб, кесиб, ўйиб ишланади. Ўшиқ-дарвоза устунлари, ҳар хил тўсин, стол, хонтахта, кутча, рамка, қаламдон ва бошқа буюмларни безашда ишлатиб келинади. Ёғоч ўймакорлигининг ўзига хос турларидан бири китоб ўқишга мўлжалланган лавҳа ясаш то бугунги кунгача сақланиб келган. Ёнг моҳир усталар икки ва уч қаватли лавҳаларни ясашиди, ясалган ҳар бир лавҳа, яъни ўйма нақш замирида рамзий маъно мужассам

Экологик тоза транспорт воситаси сифатида тан олинган велосипед спорти бўйича кўпплаб мусобақалар ўтказилади, лекин тўсиқлар орасидан вақт тезлиги ҳисобида яқка тартибда велотрек мусобақаси мана икки йилдирки «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши ташаббуси билан «Соғлом ҳаёт сари олға» шиори остида вояга етмаган ёшлар ўртасида ташкил этиб келинмоқда.

«Соғлом ҳаёт сари олға» велотрек мусобақасида умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари 10-14, 15-17 ёш тоифасига бўлинган ҳолда иштирок этишди.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ташкил этилган мусобақада қуйдаги ўқувчилар ғолиблигини қўлга киритдилар: 1-урини 22,3 сония кўрсаткич билан 232-мактаб ўқувчиси Рўзбой Зокиров, 2-урини 22,8 сония кўрсаткич билан 201-мактабдан Улугбек Тўлқинов, 3-урини эса 25,2 сония натижа билан 202-мактаб ўқувчиси Камрон Маҳаматовлар эгаллашди.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ташкил этилган мусобақада эса Тошкент автомобиль йўллари касб-хунар кол-

АНЪАНАГА АЙЛАНАЁТГАН МУСОБАҚА

лежи талабаси Қодирбек Қосимжонов ғолиб чиқди. 2-урин 1-Республика тиббиёт коллежи ўқувчиси Сирожи-дин Шариповга 3-урин эса Тошкент транспорт касб-хунар коллежи талабаси Шахбоз Хурсановга насиб этди.

Мусобақанинг ушбу ғолиб ва соҳибдорлари ҳамда лойиқада фаол иштирок этгани учун 50 нафар ўқувчилар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор тумани Кенгаши томонидан фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Фаррух БАХРОМОВ

Спорт янгиликлари

ТЕРМА ЖАМОАМИЗ ОСИЁДА УЧИНЧИ

Халқаро футбол уюшмаси — ФИФА миллий терма жамоаларнинг янги рейтингини эълон қилди.

Унга кўра Миржалол Қосимов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоамиз 53-ўринга лойиқ қўрилди. Аввалги рейтингда ҳам терма жамоамиз 53-ўринда қайд этилган эди.

Шунингдек, рейтинг натижаларига кўра миллий терма жамоамиз Осиёда Эрон ва Япониядан кейин учинчи ўринда кўрсатилган.

МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатлари орасида ҳам терма жамоамиз Россия ва Украинадан кейин учинчи ғолиб бормоқда.

Рейтинг жадвалида ҳамон амалдаги жаҳон ва Европа чемпиони Испания карвонбошилиқ қилмоқда.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» ОАЖдаги ижарага бериладиган бўш жойлар тўғрисида 2014 йил 5 май ҳолати бўйича маълумот

Умумий овқатланиш

17-18 ошхона	худудда	147,5 кв.м
3-корпус, 1-қават	худудда	97 кв.м
3-корпус, 2-қават	худудда	152 кв.м
19-20 ошхона	худудда	154,9 кв.м

Бошқа турдаги

3-корпус, 2-қават	худудда	216 кв.м
4-корпус, 1-қават		18 кв.м
4-корпус, 2-қават		37,3 кв.м
4-корпус, 2-қават		13,1 кв.м
4-корпус, 2-қават 8 та хона ҳар бири 18 кв.м		108 кв.м
90-сонли бокс	худудда	57,3 кв.м

«Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» ОАЖ Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Автомобил халқа йўли.

Тел.: 295-98-04, 295-96-52.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидега ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Савдога «SOVPLASTTAL» ОАЖ қузатув кенгашининг 2013 йил 12 июлдаги 6-сонли йиғилиш қарорига асосан, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20-мавзе, Катта Қабни кўчаси, 35а ва 35б-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 7636,0 кв.м. бўлган, А, Б, В, Г, Д, Е, И, Ж блоклардан иборат бино-иншоотларининг такрорий савдолари ҳақида қўшимча равишда маълум қиламиз. Мулкнинг бошлангич баҳоси — 5371 371 000 сўм.

Савдо 2014 йил 21 май куни соат 12:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2014 йил 19 май куни соат 18:00.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2014 йил 21 май куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари 2014 йилнинг 28 май, 4, 11, 18, 25 июнь, 2, 9 ва 16 июль кунлари соат 12:00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризалар қабул қилишнинг охириги мuddати: 2014 йил 28 майдаги савдо учун 26 май, 4 июндаги савдо учун 2 июнь, 11 июндаги савдо учун 9 июнь, 18 июндаги савдо учун 16 июнь, 25 июндаги савдо учун 23 июнь, 2 июлдаги савдо учун 30 июнь, 9 июлдаги савдо учун 7 июль, 16 июлдаги савдо учун 14 июль кунлари соат 18:00.

Миробод туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими Миробод туманидаги умумтаълим мактаблари ошхоналарида соғлом овқатланишни ташкил этиш бўйича 2014-2015 ўқув йили учун тендер танловини эълон қилади. Куйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Афросиёб кўчаси, 6-уй. Тел: (998-71) 256-30-13, 256-30-09.

Савдога қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади: юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома; нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишоннома; жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишоннома.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулклар учун тўловлар амалга ошириш мuddати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Талабгорлар объект бошлангич баҳосининг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон Ф-лдаги х/р: 20208000904920609114, МФО: 01036, ИНН: 207122519 тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмасор тумани, 1-Қорақамаш кўчаси, 14-уй. Тел: 228-80-26. www.1kms.uz. Лицензия RR-0001.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

Вақт, бу — имконият.

Шошган кўп янглишади.

Одамни тарбиялайдиган ҳам, бузадиган ҳам муҳит.

Манфаатпараст бировга бекорга ёрдам қилмайди.

Хунарлининг иши беш.

Яхши таълим-тарбиянинг самараси ҳавас қилгулик бўлади.

Яшайверсанг кўраверасан.

Кимни суйдиргинг келади, кимни куйдиргинг.

Ким бахтга етолмайди, ким асраб қололмайди.

Нотинч оила шамолда қолган қайиққа ўхшайди.

Оила четдан аралашувни хоҳламайди.

Одамларнинг гап-сўзлари юракни яралайди.

Қариганда ёшларга қўшилиб кулги бўлма.

Ёшлиқ ўзига ишонади.

Сен етгунча умр қадрига, умр ўтиб кетган бўлади.

Кўнги — очик дераза: одамларнинг гап-сўзлари унга отилган тошдир.

Манфаати йўқ одам жон куйдирмайди.

Нодон билан талашганининг ўзи ҳам нодон.

Ўзгидромет
Узгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 14 майда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратди. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоз кўтайиш — 13-15, қуңдузи — 30-32 иш тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95
Факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бoшқармасида 02-1-рақам билан рухсатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтабтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
12091 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроиллов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ

Топириш вақти: 13.00

Босишга топирилди: 14.30